

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**СУЮНОВА ЗУЛФИЯ БАХТИЯРОВНА**

**ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРИНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ  
ЭТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРГА БОҒЛИҚЛИГИ**

**06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contens of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Суюнова Зулфия Бахтияровна**

Голштин зотли сигирларининг сут маҳсулдорлигини этологик  
кўрсаткичларга боғлиқлиги ..... 3

**Суюнова Зулфия Бахтияровна**

Взаимосвязь молочной продуктивности коров голштинской породы с  
этологическими показателями..... 21

**Suyunova Zulfiya Baxtiyarovna**

Interconnection of dairy productivity of holstein breed cows with ethological  
indicator ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 43

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**СУЮНОВА ЗУЛФИЯ БАХТИЯРОВНА**

**ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРИНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ  
ЭТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРГА БОҒЛИҚЛИГИ**

**06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx319 рақами билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzkarakul.uz](http://www.uzkarakul.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Амиров Шавкат Кузибаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Досмухамедова Мухайё Хусниддиновна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
**Турсунов Хайрулло Шарофиддинович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ипакчилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD05/12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 06 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали, 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: [uzkarakul30@mail.ru](mailto:uzkarakul30@mail.ru)).

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (205 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 06 куни тарқатилди.  
(2021 йил «09» 06 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



**Н.А.Бобоқулов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, қ.х.ф.д., профессор

**З.С.Кличев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, қ.х.ф.д. (PhD)

**С.Ю.Юсупов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё мамлакатлари миқёсида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қорамолчилик муҳим ўрин тутди. Аҳолини чорва маҳсулотларига бўлган талаби кундан кунга ошиб бормоқда, бу эса чорвачиликни барқарор ривожлантиришни, чорва ҳайвонларини маҳсулдорлик бўйича генетик имкониятидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилади. Шу жиҳатдан «Голландия, АҚШ, Канада, Япония, Германия, Исроил ва Европа Иттифоқи мамлакатларида янги селекция усулларини ва инновацион технологияларни самарали равишда қўллашга, бир бош соғин сигирдан лактация мобайнида 10-12 минг килограмм ва ундан кўп миқдорда сут соғиб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда»<sup>1</sup>. Бу борада сут йўналишидаги ихтисослашган қорамол зотларининг генетик имкониятларидан фойдаланиш, сут ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни ишлаб чиқиш йўналишлари долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон мамлакатларида сут маҳсулдорлиги юқори, елини машина соғимиغا мослашган, истеъмол қилган озуқани сут билан қоплаш даражаси юқори бўлган қорамол зотларидан фойдаланиш учун кенг миқёсда илмий тадқиқотлар йўлга қўйилган. Бу йўналишдаги тадқиқотларда Голштин зотли қорамоллардан ва унинг дурагайларидан бошқа зотли қорамолларнинг хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш, қора-ола тусдаги голштин зотли сигирлардан йилига ёғлилиги ўртача 3,8% бўлган 7340 кг гача, қизил-ола тусдаги голштин зотли сигирлардан эса ёғлилиги 3,96% бўлган 4153 кг гача сут соғиб олиш ҳамда сут маҳсулдорлигининг этологик кўрсаткичларга боғлиқлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Чорвачиликни илмий асосда жаҳон талаблари асосида жадал ривожлантириш, қорамолларнинг генетик потенциалидан унумли ва самарали фойдаланиш, селекцион наслчилик ишларини такомиллаштириш, қорамолларни янги линияларини ва типларини яратиш, шунингдек қорамолчилик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида янги инновацион технологиялардан фойдаланиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада сут маҳсулдорлиги 8045-10056 кг, ёғлилиги 4,1-4,5% бўлган етакчи линияларига мансуб насли буқаларнинг уруғидан фойдаланиш ҳисобига қорамолларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш, сут маҳсулдорлигига турли омилларнинг таъсирини ҳамда этологик омилларнинг боғлиқлигини аниқлаш орқали ҳайвонлар маҳсулдорлигини 20-25 фоизга ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

<sup>1</sup><http://www.fao.org/3/i3437e/i3437e.pdf>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё мамлакатларида кенг тарқалган голштин зотини кўпгина хўжалик фойдали белгилари, хусусан: уларнинг юқори даражадаги сут маҳсулдорлиги, унинг сифат кўрсаткичлари, елинининг морфофункционал хусусиятлари, зотнинг подани қайта тўлдириш кўрсаткичлари, юқори маҳсулдор подалар яратиш имкониятлари, маҳаллий қорамол зотларини генофондини яхшилашдаги ўрни, зотнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари, такомиллашган янги линия, тип ва оила яратиш борасида маҳаллий олимлардан: Ш.А.Акмалхонов (2007), У.Н.Носиров (2012), М.Э.Аширов (1983, 1994, 2017, 2020), М.Х.Досмухаммедова (2010), У.Ш.Балласов (1999), Ж.Н.Хужамов (2019) ва хорижий олимлардан: Л.К.Эрнст (1974), А.И.Бич (2012), Н.И.Стрекозов (2006, 2012, 2013), Ж.Г.Логинов (1984), И.М.Дунин (1999, 2010, 2011), П.Н.Прохоренко (1986, 2013) ва бошқалар томонидан самарали илмий тадқиқот ишлари ўтказилган ва олинган далилий маълумотлар асосида тавсияномалар тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлсада, Самарқанд воҳаси шароитида Германия селекциясига мансуб I-туғимдаги сигирларнинг этологик типлар кесимида сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №0194513 «Қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва уни сифатини яхшилаш бўйича генетик потенциалидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги тадқиқотлари доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Самарқанд воҳаси шароитида Германия селекциясига мансуб I туғимдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва айрим биологик хусусиятларининг этологик фаоллик типига боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажриба учун танлаб олинган сигирларни генетик келиб чиқишини аниқлаш;

сигирларни сақлаш ва озиклантириш шароитини аниқлаш;

сигирларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш;

тажрибадаги сигирларнинг лактация давридаги сут маҳсулдорлиги, сутдорлик коэффицентини ва лактация даврининг кечиш хусусиятларини аниқлаш;

тажрибадаги сигирлар сут маҳсулдорлигини феъл-атвори бўйича фаоллик типига боғлиқлигини аниқлаш;

сигирларни клиник ва гематологик кўрсаткичларини аниқлаш;

сигирларни этологик фаоллик типи бўйича истеъмол қилган озуқани сут билан қоплаш даражаси, пуштдорлик, иссиқликка чидамлилиқ хусусиятларини аниқлаш;

тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилояти шароитида ҳар хил этологик фаоллик типига мансуб соф зотли голштин сигирлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб турли феъл-атвор типидagi голштин зотли сигирларнинг экстерьер кўрсаткичлари ва тана тузилиш индекслари, сут маҳсулдорлиги, елинининг морфологик ва функционал хусусиятлари, клиник статуси, иссиққа чидамлилиги, подани қайта тиклаш кўрсаткичи ва бошқа хўжалиқ фойдали белгилари, озиклантириш ва асраш технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотни бажаришда В.И.Великжаниннинг «Сигирларнинг этологик кўрсаткичларини аниқлаш», экстерьер, тана тузилиш индекслари, сут маҳсулдорлиги, елинининг морфофункционал кўрсаткичлари, подани қайта тўлдириш хусусияти, сутдорлик коэффицентини, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашда зоотехнияда умумий қабул қилинган услублардан, Ю.О.Раушенбахнинг «Иссиққа чидамлилиқ индексини аниқлаш», В.Е.Недаваниннинг «Озуқаларни сут билан қоплаш хусусиятлари», Е.К.Меркурьеваниннинг «Ўртача арифметик қиймат ( $X$ ), унинг хатоси ( $S_x$ ), ўзгарувчанлик коэффицентини ( $C_v$ ), ишончлилиқ критерийлари ( $td$ ) ва бўсағалари ( $P$ )» усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилояти шароитида Германия селекциясига мансуб голштин зотли сигирларнинг феъл-атвори бўйича ўта фаол, ўрта фаол ва суст фаол бўлган этологик хусусиятлари аниқланган;

Голштин зотли сигирларда елинининг асосий ўлчамлари серсут сигирлар учун хос бўлиши, елинининг функционал кўрсаткичлари - сут бериш тезлиги ҳамда лактациянинг кечиш хусусиятлари - лактациядаги сут маҳсулдорлиги ўрта фаол ва суст фаол типдаги сигирларга нисбатан ўта фаол типдаги сигирларда юқорилиги этологик фаоллик типларига боғлиқ бўлиши исботланган;

Голштин зотли сигирларнинг тирик вазни, сут миқдори, сут ёғи, сут оксили миқдорлари ўрта фаол ва суст фаол типдаги сигирларга нисбатан ўта фаол типдаги сигирларда озукаларни истеъмол қилиш даражасининг юқори бўлиши этологик фаоллик типларига боғлиқ эканлиги аниқланган;

Голштин зотли сигирларнинг истеъмол қилган озукани сут билан қоплаш даражаси пуштдорлиги, иссиқликка чидамлилиги, клиник ва гематологик кўрсаткичлари ҳисобига ўрта фаол ва суст фаол типдаги сигирларга нисбатан ўта фаол типдаги сигирларда юқори бўлиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти шароитида Германия селекциясига мансуб голштин зотли биринчи туғимдаги ҳар хил этологик фаоллик типига мансуб сигирларнинг подани қайта тўлдириш хусусияти, иссиқ иқлим шароитга мослашиши аниқланган;

сут маҳсулдорлигининг оптимал кўрсаткичлари, елинининг морфофункционал хусусиятларини ўрганиш асосида голштин зотли сигирларнинг маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш йўллари аниқланган;

этологик фаоллик типи билан боғлиқликда сут маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичларини оширилишига эришилган;

сутчиликка ихтисослашган хўжаликларда подани тўлдиришда ўта фаол ва ўрта фаол типдаги сигирларни наслга қолдириш, голштин зотли сигирларнинг феъл-атвор типларини ҳисобга олган ҳолда селекция ишларини олиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илғор селекция усулларида фойдаланилганлиги, махсус тажрибалар натижаларига ҳамда юритилган бирламчи хужжатларга, факултет ва институт апробация комиссияси томонидан ижобий баҳо берилганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишончлилик критерийларининг аниқланганлиги, тадқиқот натижалари жорий этиш далолатномалари билан тасдиқлангани ва етакчи илмий ва илмий-оммабоп нашрларда чоп қилинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор голштин зотли биринчи туғим сигирларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг феъл-атвор кўрсаткичларига боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланган, Германия селекциясига мансуб голштин зотли сигирларни танлашда уларнинг феъл-атвор типларини ҳисобга олиш йўллари ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ушбу ишлаб чиқилган танлаш усулларида амалиётда қўлланилиши асосида сигирларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхшиланишига эришилган ва голштин зотли сигирларни феъл-атвор типларига қараб баҳолаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Голштин зотли сигирларининг сут маҳсулдорлигини этологик кўрсаткичларга боғлиқлиги йўналишида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Германия селекциясига мансуб биринчи туғимдаги сигирларни этологик фаоллик типларига ажратиш ҳамда хўжаликда ўта фаол ва ўрта фаол типдаги сигирлардан подани такрор ишлаб чиқаришда фойдаланиш усули Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Чортут” фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 02 февралдаги 02/23-63-сон маълумотномаси). Натижада сигирлардан сут соғиб олиш бўйича соф фойда ўта фаол типга мансуб сигирлар ўрта ва суст фаол типдаги сигирларга нисбатан 200 000 ва 400 000 сўмни ташкил этган;

голштин зотли сигирлардан феъл-атвори бўйича ўта фаол ва ўрта фаол сигирлардан фойдаланиш усуллари Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги “Карпат-ола чашмаси” МЧЖ да жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 02 февралдаги 02/23-63-сон маълумотномаси). Натижада ўта фаол ва ўрта фаол типдаги сигирлар суст фаол типдаги сигирлардан оталаниш даражаси тегишлича 24 ва 20 фоиз самарали бўлган, хўжаликда озуқалардан самарали фойдаланиш даражаси эса тегишлича 5,2 ва 4,1% юқори бўлган. Сигирлардан сут соғиб олиш бўйича олинган соф фойда тегишлича бир бошдан 291 000 ва 213 000 сўм маблағ олишга имконият яратилган;

Германия селекциясига мансуб биринчи туғимдаги сигирларни этологик фаоллик типларига ажратиш ҳамда хўжаликда ўта фаол ва ўрта фаол типдаги сигирлардан сут ишлаб чиқаришда фойдаланиш усуллари Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги “Тошпулатов Баходир Жўраниёзович” чорвачилик фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 02 февралдаги 02/23-63-сон маълумотномаси). Натижада ўта фаол типдаги сигирлар, ўрта ва суст фаол типдаги сигирлардан 305 кунлик лактациясидаги сут маҳсулдорлиги юқори бўлиб, соф фойда тегишлича 300 000 ва 224 000 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Самарқанд вилояти “Чортут” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2018-2020 йиллар), Самарқанд ветеринария медицинаси институти Зооинженерия факултетининг апробация комиссияси (20.12.2018 й ва 27.09.2019 й) томонидан, Зооинженерия факултети илмий кенгаши йиғилишларида (2018-2020 йиллар) ҳамда 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та, шу жумладан ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 5 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан 2 таси хорижий нашрларда, илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хориж тадқиқотчиларининг илмий ишлари таҳлил қилиниб, голштин зотининг сут маҳсулдорлиги ва зотнинг имкониятларидан сут ишлаб чиқаришда фойдаланиш, қорамоллар маҳсулдорлик кўрсаткичларининг феъл-атвор типларига боғлиқлиги, уларнинг мослашиш ва айрим физиологик хусусиятларига доир илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Кўплаб муаллифларнинг ушбу соҳада олиб борган илмий изланишларининг натижалари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни бажариш шароити, материали ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, бажариш шароити, манбаи ва усуллари ҳамда Самарқанд воҳаси иқлими ва хўжаликнинг табиий-иқтисодий шароити баён этилган.

Илмий тадқиқот ишларининг тажриба қисми 2018-2020 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманига қарашли **“Чортут”** қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида бажарилган. Тадқиқот объекти сифатида, ҳар хил этологик фаоллик типига мансуб I-туғим ёшидаги соф зотли голштин сигирлари танланган. Тадқиқотлар давомида тажрибадаги қорамолларнинг этологик кўрсаткичларини баҳолаш, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, лактация давридаги сут маҳсулдорлиги лактациядаги соғим миқдори, сутнинг ёғлилиги, оқсил миқдори, сут ёғи ва сут оқсилининг чиқими, сутдорлик коэффициенти, лактация даврининг кечиш хусусиятлари, клиник ва гематолигик кўрсаткичлари, иссиқликка чидамлилиги, истеъмол қилган озуқани сут билан қоплаш даражаси, пуштдорлик кўрсаткичлари, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Тажрибадаги сигирларнинг феъл-атвор кўрсаткичлари, асраш, озиклантириш шароити ва экстерьер хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида тажрибадаги сигирларнинг

фeъл-aтвop кўрсaткичлaрининг хaрaктеристикaси, тaжрибa гуруҳидaги сигирлaрни oзиқлaнтириш вa aсрaш шaрoити, экcтeрьeр кўрсaткичлaри бўйичa мaълумoтлaр илмий жихaтдaн тaҳлил қилингaн. Мaълумки, хайвoнлaрнинг мaҳсулдoрлиги улaрни тўлa қиймaтли oзуқaлaр билaн oзиқлaнтиришни тaшкил қилишгa кўп жихaтдaн бoғлиқ вa бу энг мухим зoотeхникaвий oмил ҳисoблaнaди. Тaжрибaдaги сигирлaр тирик вaзни вa сyт мaҳсулдoрлиги ҳисoбгa oлиниб, йилнинг бaрчa фaсллaридa бир хил типдaги рaциoндa oзиқлaнтирилди.

Сигирлaрни этoлoгик кўрсaткичлaри улaрнинг фaoллик типлaри кeсимидa В.И.Вeликжaнин услyби ёрдaмидa ўргaнилди. Хaр хил фeъл-aтвop кўрсaткичлaрини aниқлaшдa кунлик хрoнoмeтpaж бир oйдa бир мaртa ўткaзилди. Айрим фeъл-aтвop кўрсaткичлaрини қайд қилишдa бир кундa 5 дaқиқaлик интeрвaл сaқлaнди.

### 1-жaдвaл

#### Тaжрибaдaги сигирлaрнинг этoлoгик кўрсaткичлaри n=5 ( $X \pm S_x$ )

№	Кўрсaткичлaр	Гуруҳлaр					
		I		II		III	
		Дaқиқa	Суткa вaқтигa нисбaтaн, %	Дaқиқa	Суткa вaқтигa нисбaтaн, %	Дaқиқa	Суткa вaқтигa нисбaтaн, %
1.	Тик ҳoлaтдa туриш, жaми	805,0±12,0	55,9	798,0±10,90	55,4	790,2±14,0	54,8
2.	Шу жумлaдaн: ҳaрaкaтсиз туриш	210,5±9,04	14,6	220,2±8,20	15,3	228,0±10,0	15,8
2.	Озуқa истeъмoл қилиш	401,2±5,01	27,9	391,2±5,12	27,2	381,4±7,20	26,4
3.	Сув ичиш	25,7±0,65	1,8	25,5±1,15	1,8	24,9±1,23	1,73
4.	Тик ҳoлaтдa кaвш қaйтaриш	150,1±2,24	10,4	144,0±3,21	10,0	138,2±4,31	9,67
5.	Комфoрт хaрaкaт	17,5±0,75	1,2	17,1±0,43	1,1	17,5±0,19	1,2
6.	Ётгaн ҳoлaти жaми	519,4±5,70	36,1	529,5±8,72	36,8	532,8±9,04	37,4
7.	Шу жумлaдaн: Ётгaн ҳoлдa кaвш қaйтaриш	271,3±7,88	18,9	267,8±10,0	18,6	273,6±9,43	19,0
8.	Ҳaрaкaтсиз ётиш	248,1±5,02	17,2	262,2±6,52	18,2	264,9±7,03	18,4
9.	Соғиш	19,4±0,50	1,3	18,3±0,61	1,27	17,7±0,47	1,23
10.	Ҳaрaкaтлaниш	64,3±2,03	4,5	63,4±1,95	4,4	62,0±2,14	4,3
11.	Дeфeкaция	17,50±0,65	1,2	17,1±0,81	1,19	16,50±0,97	1,17
12.	Сийдик aжрaтиш	14,40±0,71	1,00	13,42±0,78	0,94	15,30±0,83	1,1

Хронометраж кўйидаги феъл-атвор кўрсаткичларда ўтказилди: озуқа қабул қилиш (сенаж, силос, беда пичани ва бошқалар), кавш қайтариш (тик турган ва ётган ҳолда), ётиш, комфорт ҳаракат (сув ичиш, юриш, сийдик ажратиш, дефекация). Биз тадқиқотларимизнинг услубига биноан, тажрибадаги голштин зотли ғуножинлар туққанидан сўнг уларни феъл-атвор кўрсаткичларини ўргандик (1-жадвал).

Тик ҳолатда туриши учун I тажриба гуруҳидаги сигирлар суткада 805,0 дақиқа (55,9%), II гуруҳдаги сигирлар 798,0 дақиқа (55,4%) ва III тажриба гуруҳидаги сигирлар эса 790,0 дақиқа (54,8%) вақт сарфлаган.

Шу жумладан озуқани истеъмол қилишга ўта фаол типдаги сигирлар кўп вақт сарфлаб, суткада 401,2 дақиқа ёки 27,9% ни ташкил этган. Бунда ўрта фаол типига мансуб II гуруҳдаги сигирлардан 10,0 дақиқа ёки 0,7% га III гуруҳдаги тенгқурларидан эса 19,8 дақиқа ёки 1,5% устунлигини қилганлигини кўрсатди.

Тик ҳолатда кавш қайтариш феъл-атвор кўрсаткичи бўйича I тажриба гуруҳидаги сигирлар 150,1 дақиқа (10,4%), иккинчи гуруҳ хайвонлари 144 дақиқа (10,0%) ва учинчи гуруҳ хайвонлари эса 138,2 дақиқа (9,67%) вақт сарфлаган. Барча тажриба гуруҳдаги сигирлар ётган ҳолда кавш қайтаришга кўп вақт сарфлаганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Турли фаоллик типидagi сигирларнинг сут маҳсулдорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг елинини морфофункционал хусусиятлари, тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сигирларда лактация даврининг кечиш хусусиятлари, сигирларнинг сутдорлик коэффициенти, сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражаси баён этилган.

Сигирларнинг 305 кунлик тугалланган лактациядаги соғим миқдори ва сутнинг асосий таркибий қисмларини ўрганиш бўйича аниқланган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Лактациядаги соғим миқдори I гуруҳдаги ўта фаол феъл атвор типидagi сигирларда энг юқори бўлиб, 6564,5 кг ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич бўйича ушбу гуруҳдаги сигирлар II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирлардан 279,6 кг ёки 4,4% ( $P < 0,001$ ) III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирлардан 452,4 кг ёки 7,4% устунликка эга бўлди ( $P < 0,001$ ).

Сутнинг таркибидаги оқсил миқдори сутнинг асосий миқдор кўрсаткичларидан бири бўлиб, у сутнинг биологик қийматини белгилаб беради. Оқсил миқдори I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда энг юқори (3,5%) бўлиб, бу кўрсаткич II ва III гуруҳдаги сигирлар сутига нисбатан 0,1% га устунликда бўлди. Лактация давомида I гуруҳдаги ўта фаол феъл-атвор типидagi сигирлардан энг юқори миқдордаги 4% ли сут соғиб олинган (6482,4 кг). Бу кўрсаткич бўйича ушбу гуруҳдаги сигирлар II ва III гуруҳдаги сигирлардан мос равишда 323,2 кг 5,2% га ҳамда 507,9 кг ва 8,5% ( $P < 0,001$ ) устунликка эга бўлди. Лактацияда олинган жами сут ёғининг миқдори I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда энг юқори (259,3 кг) бўлиб, бу кўрсаткич ўрта фаол типдаги сигирларнинг анологик кўрсаткичларидан 13,0

кг ёки 5,3% га, III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирларга нисбатан эса 20,3 кг ёки 8,5% га кўпдир.

## 2-жадвал

### Тажрибадаги сигирларнинг лактациядаги сут маҳсулдорлиги (n=10)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±S <sub>x</sub>	C <sub>v</sub> %	X±S <sub>x</sub>	C <sub>v</sub> %	X±S <sub>x</sub>	C <sub>v</sub> %
Сут соғими, кг	6564,5±140,7	10,9	6284,9±109,5**	9,7	6112,1±111,3**	9,2
Сутнинг ёғлилик даражаси, %	3,95±0,025	2,9	3,92±0,026	2,6	3,91 ±0,024	3,0
Сутнинг таркибидаги оксил кўрсаткичи, %	3,51±0,01	2,5	3,50 ±0,01	2,3	3,50±0,02	2,6
4% ли сут миқдори	6482,4±92,5	5,3	6159,2±87,0	4,9	5974,5±85,5	4,7
Сут ёғи чиқими, кг	259,3 ±2,9	2,9	246,3 ±3,1**	2,8	239,0 ±2,7**	2,5
Сут оксили чиқими, кг	230,4 ±1,7	2,8	220,0 ±1,68**	2,6	213,9 ±1,55**	2,4
Қуруқ модда, %	12,74 ±0,05	6,2	12,69 ±0,04	5,9	12,67 ±0,35	5,6
Ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи (ЁҚСҚ), %	8,79 ±0,03	5,2	8,77 ±0,02	4,9	8,76 ±0,02	4,7

\*\* P<0,001

Лактациядаги сут оксилининг чиқими ҳам I гуруҳдаги ўта фаол феъл-атворга эга бўлган сигирларда бошқа гуруҳларга нисбатан юқорироқ бўлди ва 230,4 кг ни ташкил қилди. Бу II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирларнинг шу кўрсаткичларидан 10,4 кг ёки 4,7% (P<0,001) ва III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирларнинг кўрсаткичларидан 16,5 кг ёки 7,7% га кўп демакдир (P<0,001).

Сутнинг таркибидаги қуруқ модда миқдори унинг сифати ва тўйимлилигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичдир. Сигирлар сутидаги қуруқ модда миқдори ўртача 12,5% ни ташкил қилади, лекин бу кўрсаткич лактациянинг кечиш жараёнида, сигирларни озиклантириш ва асраш, уларнинг ёши, ирсий ва бошқа омиллар таъсирида ўзгаради. Қуруқ модда таркибига ёғ, оксил, сут шакари (лактоза), минерал моддалар, витаминлар, ферментлар киради.

Тажрибадаги сигирлар сутининг таркибидаги қуруқ модда миқдори таҳлил қилинганда, бу кўрсаткич I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда бошқа гуруҳларга нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланди. Бу гуруҳда сутнинг таркибидаги қуруқ модда 12,74% бўлиб, бу II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирларнинг шу кўрсаткичларидан 0,05% га, III гуруҳдаги сигирлардан эса 0,07% га юқоридир. Бу фарқлар статистик жиҳатдан ишончсиз.

Хўжаликда сигирлардан фойдаланиш даражасининг самарадорлигини баҳолашда сутдорлик коэффиценти муҳим роль ўйнайди. Сутдорлик коэффиценти бу – сигирнинг ҳар 100 кг тирик вазнига сут маҳсулоти ишлаб

чиқариш кўрсаткичидир. Сигирларнинг тирик вазни билан сут маҳсулдорлиги ўртасида маълум чегарагача ижобий коррелятив боғланиш мавжудлиги аниқланган.

Сутдорлик коэффициенти барча тажриба гуруҳларидаги сигирларда юқори бўлди (3-жадвал). Бу кўрсаткичлар серсут типдаги сигирларнинг сутдорлик белгиларига тўлиқ мос келади.

**3-жадвал**

**Тажрибадаги сигирларнинг сутдорлик коэффициенти  $n=10$ ,  $X \pm S_x$**

Гуруҳлар	Тирик вазни, кг	Лактациядаги ҳақиқий сут миқдори, кг	Сутдорлик Коэффициенти, кг	Ҳар 100 кг тирик вазнга ишлаб чиқарилди:		
				4 % ли сут миқдори, кг	Сут ёғи чиқими, кг	Сут оксили чиқими, кг
I	586,9±8,02	6564,5±140,7	1118,5±14,0	1104,0±6,1	44,2±2,34	39,3±1,18
II	577,6±7,73	6284,9±109,5	1088,1±12,0	1067,4±5,2	42,7 ± 1,7	38,0±0,98
III	565,5±7,70	6112,1±111,3	1080,1±11,0	1056,5±5,0	42,2 ± 1,5	37,8±0,94

Тажрибалардаги барча гуруҳдаги сигирлар, маҳсулдорлиги бўйича сут ишлаб чиқариш типига хос эканлигини кўрсатди. Энг юқори сутдорлик коэффициенти I гуруҳдаги ўта фаол феъл-атвор типдаги сигирларда бўлиб, ушбу гуруҳдаги сигирлардан ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига физик миқдорида 1118,5 кг сут соғиб олинди. Бу кўрсаткич ўрта фаол типдаги II гуруҳ сигирларга нисбатан 30,4 кг ёки 2,8% га ва сушт фаол типдаги III гуруҳдаги сигирларга нисбатан 38,4 кг ёки 3,6% га юқоридир.

Ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига ишлаб чиқарилган 4% ли сут миқдори I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда энг юқори (1104,0 кг) бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ушбу гуруҳдаги сигирлар II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирларга нисбатан 36,6 кг ёки 3,4% га, III гуруҳдаги сушт фаол типдаги сигирларга нисбатан 47,5 кг ёки 4,5% устунликка эга бўлди.

Ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига олинган сут ёғининг миқдори бўйича ҳам I гуруҳдаги сигирлар энг юқори кўрсаткичга эга (44,2), бу II гуруҳдаги сигирларга нисбатан 1,6 кг ёки 3,7% га, III гуруҳдаги сигирларга нисбатан эса 2,0 кг ёки 4,7% га юқори бўлган.


Ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига оксил чиқими I гуруҳдаги ўта фаол феъл-атвор типдаги сигирларда энг юқори (39,3 кг) бўлиб, бу II гуруҳдаги сигирларнинг шу кўрсаткичидан 1,5 кг ёки 3,9% га, III гуруҳдаги сигирларга нисбатан эса 1,7 кг ёки 4,5% га юқори бўлди.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг иқтисодий самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичлардан бири бу, озукани сут билан қоплаш даражасидир (4-жадвал).

**Сигирлардан сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқалар  
(1 бош ҳисобига)**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Лактация давомида ҳар 1 бош сигирга сарфланган озуқа бирлиги, кг	4945,0	4800,0	4725,0
Лактациядаги сут миқдори, кг	6564,5	6284,9	6112,1
4 %-ли сут миқдори, кг	6482,4	6159,2	5974,5
1 кг табиий ёғлиликда сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	0,75	0,76	0,77
1 кг 4 %-ли сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	0,76	0,78	0,79
Ҳар 100 кг озуқа бирлигига ишлаб чиқарилди:			
Табиий ёғлиликдаги сут, кг	132,7	130,9	129,3
4 % ёғлиликдаги сут, кг	131,0	128,3	126,4

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, сут маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражаси бошқа гуруҳдагиларга нисбатан иқтисодий самаралироқ бўлган. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ошиб борган сари сут ишлаб чиқаришга сарфланадиган озуқалар миқдори камайиб боради деган гипотеза тажрибаларда яна бир бор ўз тасдиғини топди.



1-расм. Сигирлардан сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқалар  
(1 бош ҳисобига)

Ўта фаол этологик типга мансуб биринчи гуруҳдаги сигирлар 1 кг табиий ёғлиликда сут ишлаб чиқариш учун II ва III гуруҳлардаги сигирларга нисбатан тегишли равишда 1,4 ва 2,6% кам озуқа бирлиги сарфлади. 1 кг 4% ёғлиликда сут ишлаб чиқариш бўйича бу кўрсаткич таҳлил қилинганда, I гуруҳда II ва III гуруҳлардаги сигирларникига нисбатан кам озуқа бирлиги сарфланганлиги аниқланди.

Ҳар 100 кг озуқа бирлигига сут маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича жумладан, табиий ёғлиликдаги сут I гуруҳ сигирлардан, II ва III гуруҳлардаги сигирларга нисбатан тегишли равишда 1,8 кг (1,4%) ва 3,4 кг (2,6%); 4% ёғли сут бўйича эса мос равишда 2,7 кг (2,1%) ва 4,6 кг (3,6%) кўп ишлаб чиқарилганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Турли фаоллик типидagi сигирларнинг айрим физиологик кўрсаткичлари**” деб номланган бешинчи бобида тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг йилнинг фасллари кесимида клиник кўрсаткичларининг ўзгариши, гематологик кўрсаткичлари, сигирларнинг иссиққа чидамлилиқ индекси, пуштдорлик хусусиятлари ҳамда тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш натижалари баён қилинган.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг гематологик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

### 5-жадвал

#### Тажрибадаги сигирлар қонининг морфологик таркиби (қиш ва ёз фасли)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	C <sub>v</sub> %	X±Sx	C <sub>v</sub> %	X±Sx	C <sub>v</sub> %
Қиш						
Эритроцитлар млн/мм <sup>3</sup>	6,91±0,32	4,68	6,85±0,19	3,44	6,81±0,18	4,62
Лейкоцитлар минг/мм <sup>3</sup>	8,12±0,44	7,00	8,00±0,21	8,75	7,98±0,15	4,48
Гемоглобин, г %	10,11±0,18	3,12	9,89±0,27	1,32	9,85±0,17	2,45
Ёзда						
Эритроцитлар млн/мм <sup>3</sup>	7,14±0,28	4,21	7,05±0,25	2,33	7,00±0,22	3,51
Лейкоцитлар минг/мм <sup>3</sup>	8,32±0,48	1,81	8,23±0,23	4,12	8,22±0,20	4,62
Гемоглобин, г %	10,24±0,20	3,55	10,17±0,15	1,90	10,12±0,14	2,64

Сигирлар қонининг морфологик таркибидаги шаклли элементлари ёз фаслида қиш фаслига нисбатан бироз юқори кўрсаткичларда бўлган. I гуруҳдаги сигирлар қонини таркибидаги эритроцит, лейкоцит ва гемоглобин миқдори қиш фаслидагига нисбатан ёз фаслида тегишлича 0,23 млн/мм<sup>3</sup>; 0,20 минг/мм<sup>3</sup> ва 0,13 % юқори бўлган, II ва III тажриба гуруҳидаги сигирларда эса бу кўрсаткичлар тегишлича, 0,20; 0,23; 0,28 ва 0,19; 0,24 ва 0,27 бирликда юқори кўрсаткични намоён қилди.

Бажарилган илмий тадқиқотлар натижаларини иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар орқали баҳолаш ва хўжалиқда сут ишлаб чиқаришни рентабеллик даражасини белгилашда амалий аҳамият касб этади.



Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашда фермер хўжалигининг 2019 йилдаги молиявий натижалари асос қилиб олинди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари  
(ўртача бир бош ҳисобига)**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Лактацияда сут соғилган сут миқдори, кг	6564,5	6284,9	6112,1
Жами сарфланган озуқа бирлиги, кг	4945,0	4800,0	4725,0
Озуқалардан фойдаланиш даражаси, %	97,5	94,6	93,1
Базис ёғликдаги сут миқдори, кг	7203,0	6843,5	6638,4
1 кг базис ёғликдаги сут ишлаб чиқариш учун сарфланган озуқа бирлиги, кг	0,68	0,70	0,71
1 кг базис ёғликдаги сутни тан нархи, сўм	2262,9	2308,7	2334,8
1 кг баъзис ёғликдаги сутни харид нархи, сўм	2900	2900	2900
Жами ҳаражатлар, млн.сўм	16,3	15,8	15,5
Даромад, млн.сўм	20,8	19,8	19,2
Соф фойда, млн.сўм	4,5	4,0	3,7
Рентабеллик даражаси, %	27,6	25,3	23,8

Жадвал маълумотларида, базис ёғликдаги сут I гуруҳдаги сигирлардан II ва III гуруҳдаги сигирларга нисбатан тегишлича 359,5 кг (5,0%) ва 564,6 кг (7,8%) сут кўп соғиб олинган. I гуруҳдаги сигирлар 1 кг базис ёғликдаги сут ишлаб чиқариш учун мос равишда 0,2 ва 0,3 кг кам озуқа бирлиги сарфлаган. I гуруҳдаги сигирлардан сут соғиб олиш бўйича олинган даромад II ва III гуруҳдаги сигирлардан тегишлича 1000 000 сўм ва 1600 000 сўмга юқори бўлиб, шунга мувофиқ ҳолда соф фойда 500 минг сўм ва 800 минг сўм кўп маблағни ташкил этди. Сут ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси ўта фаол типдаги сигирларда ўрта фаол типдаги сигирларга нисбатан 2,3% га, суст фаол типдаги сигирларга нисбатан эса 3,8% га юқорироқ бўлди. Бу маълумотлар сут соғиб олинган подаларда ўта фаол типига мансуб сигирлардан унумли фойдаланиш иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатдан самарали эканлигини исботлайди.

### **ХУЛОСАЛАР**

1. Феъл-атвори бўйича I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда тик ҳолатда бўлиш вақти энг кўп (суткада 805,0) дақиқа бўлиб, бу суткадаги умумий вақтга нисбатан 55,9% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирларга нисбатан 0,9% га, III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирларга нисбатан 1,9% га юқоридир. Шунга мос равишда ушбу гуруҳдаги сигирларда фаол тик туриш давридаги озуқаларни қабул қилиш, кавш қайтариш, комфорт ҳаракатланиш каби актларга сарфланган вақт бошқа

гуруҳлардагидан кўпроқ бўлган. Ётишга сарфланган вақт I гуруҳдаги сигирларда энг кам (519,4 дақиқа) бўлиб, бу II гуруҳдагига нисбатан 10,1 дақиқа ёки 1,9% га, III гуруҳдагига нисбатан 13,4 дақиқа ёки 2,6% га камроқ бўлган.

2. Озуқаларни истеъмол қилиш тажрибадаги гуруҳларда турлича бўлди. Ўта фаол феъл-атворли I гуруҳдаги сигирларда тажриба давомидаги озуқа истеъмоли энг юқори (4945,0 озуқа бирлик) бўлиб, бу кўрсаткич II гуруҳдаги ўртача фаол типдаги сигирлардан 145 оз. бирлиги ёки 2,84% га, III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирлардан 220,0 оз. бирлиги ёки 4,45% га кўпдир. Берилган озуқаларни истеъмол қилиш даражаси тажрибадаги барча гуруҳларда юқори бўлиб, I гуруҳда-97,5, II гуруҳда-94,7 ва III гуруҳда-93,1% ни ташкил қилди.

3. Тажриба гуруҳларидаги барча сигирларнинг ўсиш ва ривожланиши қониқарли бўлиб, асосий тана ўлчамлари бўйича зот андозаларига тўла мос келади. Тана ўлчамлари ва тана тузилиш индекслари бўйича барча гуруҳдаги сигирлар сутдор тип белгиларига эга. Сигирларнинг тирик вазни зот андозаси талабларидан I гуруҳда 17,3% га, II гуруҳда – 15,5% га, III гуруҳда – 13,1% га юқори бўлди. Ўта фаол типдаги I гуруҳдаги сигирларнинг тирик вазни ўрта фаол типдаги сигирларга нисбатан 1,6% га, суст фаол типдаги сигирларга нисбатан 3,8% га оғир бўлди.

4. Тажрибадаги сигирлар елинининг морфологик белгиларини ўрганиш уларнинг саноат технологияси шароитига тўла мослашганлигини кўрсатди. Тажрибадаги сигирлар елин шакли бўйича мақбул типга эга бўлиб, уларнинг 60-70 фоизи ваннасимон, 30-40 фоизи косасимон шаклга эга. Тажрибадаги гуруҳларда осилган, “эчки елин” типдаги сигирлар учрамади. Елин сўрғичларининг шакли асосан цилиндрсимон (80-90%) бўлиб, кам миқдорда (10-20%) конуссимон шаклдаги сўрғичли сигирлар учради. Елиннинг асосий ўлчамлари серсут сигирлар учун хос бўлган кўрсаткичларни намоён қилди.

5. Сигирлар елинининг функционал хусусиятлари бўйича тажриба гуруҳлари ўртасида фарқ борлиги аниқланди. Сут бериш тезлиги ўта фаол типдаги сигирларда энг юқори бўлиб, 1,95 кг/дақиқани ташкил қилди, бу II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирларга нисбатан 1,6% га, III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирларга нисбатан 2,0% га юқоридир. Елин индекси бўйича ҳам ўта фаол типдаги сигирлар устунликка эга бўлиб, бу кўрсаткич II гуруҳдаги сигирларга нисбатан 1,3% га, III гуруҳдаги сигирларга нисбатан эса 2,0% га юқори бўлди.

6. Тажрибадаги сигирларнинг дастлабки 90 кунлик лактациядаги сут маҳсулдорлиги ўта фаол типдаги сигирларда энг юқори бўлиб, сут соғими ушбу гуруҳда II ва III гуруҳдаги сигирларга нисбатан мос равишда 315 кг ёки 15,8% га ва 468 кг ёки 25,5% га кўпроқ; сут ёғининг чиқими мос равишда 12,3 кг ёки 16,1% га ва 18,7 кг ёки 26,6% га; сут оқсилининг чиқими 11,5 кг ёки 16,6% га ва 17,0 кг ёки 26,6% га юқорироқ бўлди.

7. Тажрибадаги сигирларнинг 305 кунлик лактациядаги сут маҳсулдорлигининг барча кўрсаткичлари I гуруҳдаги ўта фаол типдаги

сигирларда бошқа гуруҳдаги сигирларга нисбатан юқорироқ бўлиб, сут соғими II ва III гуруҳдаги сигирларга нисбатан тегишлича 279,6 кг ёки 4,4% га ва 452,4 кг ёки 7,4% га, сутнинг ёғлилик даражаси 0,03% ва 0,04% га; сутнинг таркибидаги оксил даражаси 0,1% ва 0,1% га; сут ёғининг чиқими 13,0 кг ёки 5,3% ва 20,3 кг ёки 8,5% га; сут оксилнинг чиқими 10,4 кг ёки 4,7% ва 16,5 кг ёки 7,7% га, шунингдек сутнинг таркибидаги куруқ модда ва ёғсизлантирилган куруқ модда миқдори ҳам юқорироқ бўлди.

8. Тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги барча гуруҳларда юқори бўлиб, лактациядаги соғим миқдори ўта фаол типдаги сигирларда зот андозасига нисбатан 60,1% га, II гуруҳдаги ўрта фаол типдаги сигирларда 53,3% га ва III гуруҳдаги суст фаол типдаги сигирларда 49,0% га; сут ёғининг чиқими мос равишда 105,8%, 95,4% ва 89,7% га; сут оксилнинг чиқими тегишлича 105,7% га, 95,4 % га ва 90,9% га юқори бўлди.

9. Лактацияда соғим миқдорининг пасайиш индекси I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда энг паст (81,2) бўлган. Энг юқори ўртача кунлик соғим миқдори ҳам (26,3 кг) ўта фаол типдаги сигирларда қайд қилинди, бу кўрсаткич II гуруҳдаги сигирларга нисбатан 3,0 кг ёки 12,6% га, III гуруҳга нисбатан 4,1 кг ёки 18% га юқорироқ бўлган.

10. Сутдорлик коэффициенти I гуруҳдаги ўта фаол феъл-атвор типдаги сигирларда энг юқори (1118,5) бўлиб, бу II ва III гуруҳлардаги сигирларга нисбатан мос равишда 30,4 кг ёки 2,8% га ва 38,4 кг ёки 3,6% га юқоридир. Ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига олинган сут ёғи ва сут оксилнинг миқдори ҳам I гуруҳдаги сигирларда II ва III гуруҳдаги сигирларга нисбатан мос равишда 1,5 кг (3,5%); 2,0 кг (4,7%) ва 1,5 кг (3,9%); 1,7 кг (4,5%) га юқори бўлди.

11. Тажрибадаги сигирларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари фаоллик типидан қатъий назар йилнинг барча фасларида физиологик меъёр даражасида бўлган. Клиник кўрсаткичлар ёз мавсумида қишга нисбатан юқорироқ бўлиб, юрак уриши ёз фаслида барча гуруҳдаги сигирларда мос равишда бир дақиқада 1,5; 1,1; 2,3 мартага, нафас ҳаракатлари – 2,9; 3,5; 4,2 мартага, тана ҳарорати – 1,0; 1,0; 0,9 °C га ошган. Қоннинг таркибидаги эритроцит, лейкоцит ва гемоглобин миқдори қиш фаслидагига нисбатан ёз фаслида тегишлича I гуруҳдаги сигирларда 0,23 млн/мм<sup>3</sup>; 0,20 минг/мм<sup>3</sup> ва 0,13 % га, II гуруҳда – 0,20; 0,23; 0,28 ва III гуруҳда – 0,19; 0,24; 0,27 бирликда юқори бўлган, бу ёз фаслида моддалар алмашинуви жадаллашганлигидан ҳамда тажрибадаги сигирлар клиник ва гематологик кўрсаткичларининг физиологик меъёр даражасида бўлиши голштин зотли сигирларнинг маҳаллий иқлим шароитига яхши мослашганлигидан далолат беради.

12. Иссиққа чидамлилиқ индекси I гуруҳда ўта фаол типдаги сигирларда ўрта фаол типдаги сигирларга нисбатан 1,16 бирликка, суст фаол типдаги сигирларга нисбатан эса 2,29 бирликка устун бўлган. Бу ушбу гуруҳдаги сигирларда иссиқ иқлим шароитига мослашиш хусусияти яхшироқ эканлигидан далолат беради.

13. Пушторлик кўрсаткичлари I гуруҳдаги ўта фаол типдаги сигирларда юқорироқ бўлиб, биринчи уруғлантиришдаги оталаниш даражаси 80% ни ташкил қилди, бу II гуруҳга нисбатан 10% га III гуруҳга нисбатан эса 20% га кўпдир. Уруғлантириш индекси ҳам ушбу гуруҳдаги сигирларда бошқа гуруҳларга нисбатан яхшироқ кўрсаткичга эга.

14. Озуқаларни маҳсулот билан қоплаш кўрсаткичи I гуруҳдаги ўта-фаол типдаги сигирларда энг юқори бўлиб, 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқаришга ушбу гуруҳда энг кам озуқа бирлиги (0,75) сарфланган, бу II ва III гуруҳларга нисбатан мос равишда 1,4 ва 2,6% га кам демакдир. Ҳар 100 кг озуқа бирлиги ҳисобига табиий ёғлиликдаги сут I гуруҳдаги сигирларда II ва III гуруҳдаги сигирларга нисбатан мос равишда 1,8 кг (1,4%) ва 3,4 кг (2,6%) га; 4% ёғлиликдаги сут эса тегишлича 2,7 кг (2,1%) ва 4,6 кг (3,6%) кўп ишлаб чиқарилди.

15. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари I гуруҳдаги сигирлардан сут соғиб олиш бўйича олинган даромад II ва III гуруҳдаги сигирлардан тегишлича 1000 000 сўм ва 1600 000 сўмга юқори бўлиб, шунга мувофиқ ҳолда соф фойда 500 000 ва 800 000 сўм кўп маблағни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.12.2019. QX.75.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО - ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**СУЮНОВА ЗУЛФИЯ БАХТИЯРОВНА**

**ВЗАИМОСВЯЗЬ МОЛОЧНОЙ ПРОДУКТИВНОСТИ КОРОВ  
ГОЛШТИНСКОЙ ПОРОДЫ С ЭТОЛОГИЧЕСКИМИ  
ПОКАЗАТЕЛЯМИ**

**06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства  
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**САМАРКАНД-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/Qx319.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины. Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу ([www.uzkarakul.uz](http://www.uzkarakul.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Амиров Шавкат Кузибаевич**  
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Досмухамедова Мухайё Хусниддиновна**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Турсунов Хайрулло Шарофиддинович**  
кандидат сельскохозяйственных наук

**Ведущая организация:**


**Научно-исследовательский институт  
шелководства**


Защита диссертации состоится «24» 06 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD05/12.2019.Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: [uzkarakul30@mail.ru](mailto:uzkarakul30@mail.ru)), административное здание Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь, 2-этаж).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №205). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Административное здание института, 1-этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Автореферат диссертации разослан «09» 06 2021 года.  
(Реестр протокола рассылки № 1 от «09» 06 2021 года)



  
**Н.А. Бобокулов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёной степени, д.с-х.н., профессор

  
**З.С. Кличев**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёной степени,  
д.ф.с-х.н. (PhD)

  
**С.Ю. Юсупов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёной степени,  
д.с-х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время скотоводство занимает важное значение в производстве животноводческой продукции во всех странах мира. Потребность населения на продукты животноводства непременно растет и это требует стабильного развития животноводства, полнее реализовать генетический потенциал продуктивности сельскохозяйственных животных. «В таких странах, как Голландия, США, Канада, Япония, Германия, Израиль и других странах Европейского сообщества в результате применения современных методов селекции и внедрения в производство инновационных технологий с каждой коровы получают 10-12 тысяч килограммов и более молока за лактацию»<sup>3</sup>. При этом остаётся актуальным использование генетического потенциала специализированных молочных пород крупного рогатого скота, разработка современных технологий производства молока.

В странах мира осуществляются широкомасштабные научные исследования по использованию пород крупного рогатого скота с высокой молочной продуктивностью, более приспособленным выменем к машинному доению и высокой оплатой корма молоком. В этом направлении особое значение представляет научные исследования по совершенствованию хозяйственно – полезных признаков голштинской породы и их помесей с целью получить ежегодно от черно-пестрых голштинских коров 7340 кг молока с жирностью 3,8%; от красно-пестрых голштинских – 4153 кг молока с жирностью 3,96%, вести научные исследования по определению взаимосвязи показателей молочной продуктивности с этологическими показателями.

В нашей стране в последние годы осуществляются систематические мероприятия по обеспечению населения молоком и молочными продуктами. В Стратегии действий развития Узбекистана на 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям определены стратегические задачи по «развитию племенной базы, организации селекционно-генетических центров на базе племенных хозяйств и устойчивому обеспечению населения качественной продовольственной продукцией на основе расширения научных исследований по племному делу»<sup>4</sup>, а также поставлены задачи по интенсивному развитию животноводства на научной основе по мировым требованиям, улучшению племенных и продуктивных качеств скота, эффективному использованию их генетического потенциала, усилению научных исследований, совершенствованию селекционно-племенной работы, созданию новых линий и типов скота, применению новых инновационных технологий в переработке продуктов скотоводства. При этом увеличение молочной продуктивности крупного рогатого скота за счет использования семян быков-производителей ведущих линий, удои матерей которых

<sup>3</sup> <http://www.fao.org/3/i3437e/i3437e.pdf>

<sup>4</sup> ПФ-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

